Insonga naf keltirish — oliy baxt!

Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O`zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2013-yil 23-may, payshanba № 63 (3256)

Интеллектуал ва маънавий бойликка эга бўлган халқ ва миллат, ҳеч шубҳасиз, ҳақли равишда бугунги ва эртанги кунга эгалик қила олади.

Ислом КАРИМОВ

Касаба уюшмалари ва ёшлар

Иқтидорли ёшлар фаолияти ҳақида мақола тайёрлаш ниятида «GM-Ўзбекистон» қўшма корхонаси касаба уюшма қўмитаси раиси Мирфозил Олимовга қўнғироқ қилдим. Гўшакни касаба уюшма қўмитаси ҳисобчиси Абдуфаттоҳ ака кўтарди. Мирфозил аканинг сафарда эканлигини эшитгач, муддаомни у кишига айтдим.

«GM-Ўзбекистон» номидан

— Эй, энг зўр ёшлар бизда-да! Бир йигит бор. Европада таълим олиб келган. Шу йигит ҳақида ёзсангиз яхши бўларди, — деди Абдуфаттоҳ ака.

«GM-Ўзбекистон»да бугун 8414 нафар ишчи-ходим меҳнат қилади. Уларнинг кўпчилигини ёшлар ташкил этади. Ҳар йили Асака автомобилсозлик касб-ҳунар коллежини битирган 400 нафардан зиёд талаба иш билан таъминланади. Бу ерда ёшларга муносиб иш ва дам олиш шароити яратилган. Уларнинг кўпчилиги Жанубий Корея ва Бразилияда автомобил ишлаб чиқариш сирларини ўрганиб қайтишган. Аввалари дастгоҳлар қошида хориж мутахассислари иш ўргатувчилик қилган бўлса, ҳозирда мураккаб дастгоҳлар, замонавий технологияларда ишлаётганлар барчаси ўзимизнинг ёшлар.

Умидулла Бузурхонов шулардан бири. Инглиз, немис, турк ва рус тилларини мукаммал билади. Унинг корхонада фаолият бошлаганига энди бир йил тўлади. Ёш бўлса-да, кўпни кўрган.

Умидулла 1988 йил Андижон шаҳрида туғилган. 2003-2008 йилларда Андижон давлат университетининг иқтисодиёт факултетида таълим олди. Ёш иқтидор эгаси университетда ўқиб юрган кезларда чет тилларни мукаммал ўрганишга интилди. Натижада, университетни битиргач, 2008 йил Германиянинг Фленсбург университетида таҳсилни давом эттирди. Европашунос иқтисодчи дипломини қўлга киритиб, Андижонга қайтди. Ёш мутахассис вилоят ҳокимлиги иқтисодиёт бош бошқармаси демография, бандлик ва ижтимоий соҳаларни ривожлантириш бўлимига ишга қабул қилинди. Ҳаракатчанлиги боис, орадан бир йил ўтиб, уни шу бошқарманинг иқтисодий алоқаларни ривожлантириш прогнозлари ва мониторинги бўлимига 1-тоифали мутахассис қилиб тайинлашди.

2012 йилнинг ёз ойида Умидуллани «GM-Ўзбекистон» қўшма корхонасига таъминотчи-муҳандис лавозимига ишга таклиф этишди. Аввалдан автомобилсозлик соҳасига қизиқиб юрган ёш йигит учун бу айни муддао эди.

— Фахримизга айланган «GM-Ўзбекистон» қўшма корхонасида ишлаш мен учун катта шараф, — дейди У. Бузурхонов. — Ҳали иш бошлаганимга кўп бўлмади. Аммо билим ва изланишларимни шу корхонада рўёбга чиқариб, ўзбек автомобилсозлиги ривожига ўз ҳиссамни қўшиш орзусидаман. Корхонамизда ёшларга катта эътибор қаратилмоқда. Ёш оилаларнинг ижтимоий ҳимояси маъмурият ва касаба уюшма қўмитасининг доимий эътиборида. Иш ва дам олиш шароитлари кўнгилдагидек. Шу боис бўлса керак, бизда ишлаш ёшларнинг орзусига айланган. Ишлаб чиқаришда янги технологияларнинг қўлланиши, замонавий автомобиллар русумининг кўпайиши биз, ёшларни билимимизни тинмай ошириб боришга даъват этади.

Умидулла Бузурхонов бугун устозлари ўгитларига амал қилиб, касб сир-асрорини қунт билан ўрганмоқда. Ўз устида тинмай изланиш, интилиш ва ғайрат ёш мутахассисни янги марралар сари элтмоқда.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши қарори билан ўтказилаётган «Ёш мутахассислар» Республика Форумига Умидулла Бузурхонов делегат этиб сайланди.

— Андижон ёшлари номидан вакил бўлиш мен учун катта масъулият, — дейди у. — Бу каби тадбирлар ёш мутахассисларнинг билим ва савиясини янада оширишга хизмат қилади.

Абдулҳай ЮНУСОВ,
«Ishonch» мухбири

Сурхондарё вилояти Узун маиший хизмат касб-ҳунар коллежини жорий йилда 721 нафар ўқувчи тамомлайди. Ташкилот ва корхоналар, ишлаб чиқариш фирмалари билан тузилган уч томонлама шартномаларга мувофиқ уларнинг иш жойлари тайин.

Иш жойи тайин

Малакали педагоглар таълимнинг олти йўналишида 1830 нафар йигит-қизга сабоқ бераётган коллежда 120 минг ўқув ва бадиий адабиётлар, электрон қўлланма ва дарсликларга эга замонавий ахборот ресурс маркази, зарур техник воситалар, ўқув анжомлари билан жиҳозланган устахона, лаборатория, лингафон хоналари мавжуд. Уларда ўқув-амалий машғулотларни илғор таълим андозаларига мувофиқ ўтказиш учун барча шарт-шароит яратилган.

Коллежда яратилган кенг имкониятлар самараси Аброр Бердиев, Шаҳодат Фозилова, Олмахон Бозорова каби иқтидорли ўқувчиларнинг фан олимпиадалари, турли танловларда юқори натижаларга эришаётганида ҳам яққол ифодасини топаётир.

Фарҳод АБДУРАСУЛОВ (ЎзА) олган сурат

Суратда: коллеж ўқитувчиси Мавлуда Ражабова ўқувчилар билан машғулотда.

Ёғоч ўймакорлиги санъати дарғаларидан бири, Ўзбекистон Халқ устаси Муҳаммадали Юнусов яратган нақшинкор эшик, сўри, стол-стул ва бошқа ўзбек ўймакорлик санъати намуналарини жуда кўп жойларда учратишингиз мумкин. Унинг Тошкентдаги Хазрати Имом мажмуи бинолари айвонларидаги ёғочга ишланган нақшлари мукаммаллиги, нафислиги билан барчани лол қолдиради. Устанинг Киев шаҳридаги Ўзбекистон элчихонаси заллари ва ҳовлисидаги миллий сўри, дарвоза, айвонлар устуни ҳамда шиплари,турли ўтирғичларга муҳрлаган ўйма нақшлари бу ерга келган меҳмонлар эътиборини тортмоқда.

Устозга таъзим, шогирдга оқ йўл

Фурқат туманидаги «Уста Юсуфжон наққош» ёғоч ўймакорлиги устахонаси раҳбари, Ўзбекистон Бадиий академияси аъзоси Муҳаммадали Юнусовнинг номи ғамхўр мураббий сифатида ҳам ҳурмат билан тилга олинади.

— Ҳозирга қадар 250 нафардан зиёд ўймакор уста наққошлар тайёрладим, — деди у Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Фурқат туман кенгаши ҳамкорликда тайёрлаган «Устоз — шогирд учрашуви» маданий-маърифий тадбирида. — Улар юртимизнинг турли шаҳар ва қишлоқларида ёғоч ўймакорлиги санъати ривожига ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар. Оилавий устахонамиз ҳузуридаги ёғоч ўймакорлиги мактабида шу кунларда яна 70 нафар бўлғуси ёш наққошларга бу ҳунар сир-асрорларини ўргатмоқдаман.

Тумандаги маиший хизмат ва педагогика касб-ҳунар коллежида ўтказилган бу тадбирда ёшларга касб-ҳунар ўргатиш ва уларни иш билан таъминлаш юзасидан фикр алмашинди. Эришилган муваффақиятлар кенг намойиш қилинди.

— Ёшларга эътибор, уларнинг ҳаётда ўз мустақил йўлларини топиб кетишларини таъминлаш ҳар бир масъул ходим, ҳар бир фуқаронинг маънавий бурчидир, — деди Фурқат тумани ҳокими ўринбосари Зарифахон Алихўжаева. — Ҳозирги пайтда туманимиз ёшларининг 91,4 фоизи учун кафолатланган иш ўринлари ташкил қилинди. Бунда барча идора, корхона ва ташкилотларнинг бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилаётганликларини таъкидлаш мумкин. Айтайлик, биргина туман прокуратураси ташаббуси ва ҳомийлиги билан 100 нафар ёш йигит-қиз иш билан таъминланди.

— Касаба уюшма ташкилотлари меҳнат жамоалари аъзолари манфаатлари ҳимоясини таъминлаш билан бир қаторда, ёшларни ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этишга ҳам масъулдирлар, — деди Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши етакчи мутахассиси Нигорахон Ўразова. — Иш берувчи ҳамда касаба уюшма ташкилоти ўртасида тузилган «Жамоа шартномаси»да ёшларни иш билан таъминлашда касаба уюшмасининг ўрни, касбга тайёрлаш тизимини такомиллаштириш борасидаги ҳамкорлик бежиз шартнома шартларидан бири этиб белгиланмаган.

Тадбир жараёнида тажрибали мураббийлар — Тўлқин Мирзаев, маданият ходими Тўхтахон Жўраева, Зарифа Қурбонова ва бошқалар халқимизнинг кўҳна ва савобли анъаналаридан бири — ҳар бир устознинг шогирд тайёрлаб етказишдек хайрли иши корхона, идора, муассаса, дала ва чорва майдонларида муваффақиятли давом эттирилаётгани ҳақида сўзладилар. Ёшларни иш билан таъминлашда касаба уюшмалари ҳам жонбозлик кўрсатаётганлиги мисоллар билан таъкидлаб ўтилди.

Тадбирда касаба уюшма ташкилотлари намунали ва ташаббускорлик кўрсатаётган мактаб жамоаларига совғалар топширилди.

Алишер ИБОДИНОВ,
«Ishonch» мухбири

Меҳнат ярмаркаси

Гулистон шаҳар марказий истироҳат боғида шаҳар ҳокимлиги, прокуратураси, Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳар кенгаши ҳамкорлигида меҳнат ярмаркаси ташкил этилди.

40 та ташкилот томонидан 680 та бўш иш ўрни тақдим этилган ушбу ярмаркадан кўзланган асосий мақсад Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонуни ва Меҳнат кодекси талаблари ҳақида тушунтириш, иш ўрни қисқарган ходимларни ишга жойлаштириш ва ижтимоий ҳимоялаш, қоларерса, армия сафидан қайтган офицер ва аскарларни иш билан таъминлаш бўлди. Ярмарка қатнашчиларининг кўпчилигини касб-ҳунар коллежларини тамомлаган ўқувчилар, хотин қизлар ва ёшлар ташкил этди.

Шунингдек, шахсий тадбиркорликни амалга ошириш учун тақдим этилган муваффақиятли бизнес режалар эгаларига сертификатлар топширилди. Улар энди тадбиркорлик кредити эгалари ҳам бўлишди.

О. МАМАДАЛИЕВА

Қўнғирот тумани Есемурат жиров номидаги болалар мусиқа ва санъат мактабида Обод турмуш йилига бағишланган «Санъатим сенга, обод юртим!» деб номланган танлов бўлиб ўтди.

Қўшиқларда юрт мадҳи

Тадбир ёшларни она-Ватанга, миллий қадрият ва санъатимизга меҳр-муҳаббат, ҳурмат руҳида тарбиялаш, юрт ободлиги ва фаровонлигини таъминлашдаги фаоллигини ошириш каби эзгу мақсадларга қаратилди.

Танловда миллий қўшиқчилик, созандалик, эстрада ва рақс санъати йўналишида тумандаги корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнат қилаётган 50 га яқин санъат ихлосмандлари ўз маҳоратини синовдан ўтказди.

Мумтоз қўшиқчилигимизнинг ноёб намуналари, ўзбек ва қорақалпоқ бастакорларининг сара асарлари, обод ва озод юрт мадҳи, миллатлараро дўстлик ришталари тараннум этилган қўшиқлар томошабинларда катта таассурот қолдирди.

Ғолиблар аниқланиб, ташкилотчилар томонидан муносиб тақдирланди.

ЎзА

Мамлакатимизда ёшларнинг ҳуқуқий онг ва маданиятини юксалтириш, уларни ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, сиёсий фаоллигини ошириш борасида изчил саъй-ҳаракат олиб борилаётир. Касаба уюшмалари ҳам давлатимизнинг ёшларга оид сиёсатини амалга оширишга муносиб улуш қўшмоқда. Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Пайариқ туман кенгаши тизимидаги бошланғич ташкилотлар фаолияти мисолида ҳам бунга ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Самарали ҳамкорлик

Аҳолининг ярмидан кўпини ташкил этувчи ёшлар ҳар жабҳада фаол. Туман марказида янгидан барпо этилаётган боғ бунёдкорлигида ҳам уларнинг ўзига хос ташаббуси алоҳида сезилиб турибди. Ёшлар спортда ҳам илғорлардан. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчилари ўртасида ўтказиб келинаётган «Шунқорлар» ҳарбий спорт мусобақаларида Пайариқ қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш ва сервис касб-ҳунар коллежи ўқувчилари Республика босқичига йўлланмани қўлга киритишди. Коллежда таҳсил олаётган 719 нафар ўқувчининг барчаси касаба уюшма аъзолигига қабул қилинган. Уларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳимояси эътиборда. Кам таъминланган, кўп болали оила фарзандлари касаба уюшмаларининг амалий мададларини ҳис этмоқда. Яқинда коллежни тамомлаган ёшлардан бир гуруҳи касаба уюшма томонидан рағбатлантирилди. Таълим, фан ва маданият ходимлари туман кенгаши томонидан коллежларда таҳсил олаётган 68 нафар ўқувчи ҳамда уларни битириб, иш бошлаган 24 нафар ёшларга моддий кўмак берилди.

— Ўқишни ЭҲМ операторлиги мутахассислиги бўйича тамомладим, — дейди Нозима Каримова. — Иш излаб турли ташкилотлар эшигини қоқмадим. Негаки, талабалик давримдаёқ фаолият кўрсатишим лозим бўлган ташкилот аниқланиб, иш ўрним белгилаб қўйилганди. Ташкилотда биринчи тоифали ЭҲМ оператори лавозимида иш бошладим. Ҳали биринчи ойлик маошим қўлга тегмасиданоқ касаба уюшмалари моддий кўмак кўрсатди.

Мактаб ўқувчиларининг пухта таълим олишини таъминлаш, уларни соғломлаштириш борасидаги ишларда ҳам жамоат ташкилоти фаол иштирок этиб келмоқда. Масалан, тумандаги 6-умумтаълим мактабида бюджетдан ташқари маблағ топиш ва уни ўқувчилар ижтимоий муҳофазасига йўналтиришнинг турли услублари қўлланиб келинаётир. Ўтган йили ана шу ҳаракатлар боис 2 миллион сўмдан зиёд маблағ ишлаб топилган. Ҳудудда минг тупдан зиёд иморатбоп терак парвариш қилинаётир.

— Маъмурият ва касаба уюшмаси ҳамкорликда барча масалаларга ижобий ечим топишга интилиб келади, — дейди мактаб директори ўринбосари, туман кенгаши депутати Собир Маҳкамов. — Бизда у сенга тегишли юмуш, буни биз бажарамиз, деган гап йўқ. Ҳамма бир ёқадан бош чиқаради. Бошланғич касаба уюшма ташкилоти етакчиси Оделя Дяркинани доимо қўллаймиз.

Ҳудудда бетоблиги туфайли уйда таҳсил олишга эҳтиёж сезаётган болалар бор. Уларнинг барчаси мактаб томонидан керакли дарсликлар, ўқув қуроллари билан таъминланган. Беглар маҳалласида истиқомат қилувчи Фотима Норбоева ўқитувчиларнинг фидойилиги туфайли ҳадемай мактабни тамомлайди. Тумандаги тизим бошланғичлари ўз фаолиятини талаб даражасида ташкил этиши, бу борада ташаббус кўрсатиши амалдаги ишларида ҳам акс этиб келмоқда.

Нурилла ШАМСИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Ishonch
2013-yil 23-may № 63 (3256)

БОШЛАНҒИЧДА НИМА ГАП?

Ҳикмат ҳамжиҳатликда

Тошкент давлат иқтисодиёт университетида маъмурият билан касаба уюшма қўмитаси ўртасида имзоланган жамоа шартномаси бандларининг бажарилиши доимий назоратда. Хусусан, ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этиш бўйича ҳар бир факултетдан сайланган қўмита аъзолари профессор-ўқитувчилар ва ходимларни ижтимоий муҳофаза қилиш бўйича изчил иш олиб бормоқда.

Факултет ва бўлимлар бирлашган қўмиталари ҳамда гуруҳ касаба уюшмаларининг иш режалари асосида ходимлар меҳнатини муҳофаза қилиш ҳамда талабаларнинг ҳуқуқ ва манфаатини ҳимоялаш, моддий қўллаб-қувватлаш масалалари вақтида амалга ошириб келинмоқда. Аёлларга меҳнат қонунчилигида назарда тутилган кафолатлар асосида муайян имтиёзлар берилган. Илмий иш билан шуғулланаётган ёш ўқитувчилар учун хорижга чиқиб халқаро конференция, илмий семинарларда иштирок этиш, маърузалар билан қатнашиш, мақолаларини чоп этиш, бепул интернет имтиёзлари орқали ривожланган мамлакатлар молия ва банк тизими тўғрисида ахборотлар олиш имкониятлари яратилган.

Жамоа шартномасида белгиланган вазифалар ижросини ўрганиб чиқиш мақсадида университет маъмурияти ва касаба уюшмаси вакилларидан иборат махсус ишчи гуруҳи тузилган бўлиб, бу ишлар тўлиқ назоратга олинган. Шунингдек, саломатлигини мустаҳкамлаш истагида бўлганларга касаба уюшмаси томонидан «Ботаника», «Бўстон», «Ситораи Моҳи Хоса», «Чинобод», «Зомин», «Мироқи», «Умид гулшани», «Чимён», «Хонқа», «Қашқадарё соҳили», «Чортоқ», «Оқтош» каби сиҳатгоҳларга имтиёзли йўлланмалар ажратилмоқда. Театр ва концерт томошалари, музейлар ва бошқа тарихий жойларга саёҳатлар уюштириш анъанага айланган. Тошкент шаҳридаги тарихий обида, муқаддас қадамжолар ва музейлар, жумладан, Ҳазрати имом мажмуаси, Бароқхон мадрасаси, «Ҳазрати Усмон» музейи, Ўзбекистон тарихи Давлат музейи, Темурийлар тарихи Давлат музейи, «Қатағон қурбонлари хотираси» музейига саёҳатлар уюштирилди. Ёлғиз инсонлар ва фахрий устозларга эътибор кўрсатилаяпти. Жамоа шартномасига асосан қатор профессор-ўқитувчи, ходим ва талабаларга моддий ёрдам бериб борилаётир. Иш ҳақи, моддий рағбатлантириш, нафақа ва қўшимча тўловлар вақтида тўлаб бориляпти.

— Касаба уюшма қўмитаси маъмурият, «Маънавият ва маърифат» бўлими, Хотин-қизлар кенгаши, «Камолот» ЁИҲ ва бошқа жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда қатор ишларни амалга ошириб келмоқда. Миллий қадриятларимиз, анъана ва урф-одатларимизни асраб-авайлаш, ёш авлоднинг қалби ва онгига она юртга муҳаббат, истиқлолга садоқат туйғуларини сингдириш мақсадида тарбиявий тадбирлар савияси ва самарадорлигига катта эътибор қаратилаётир, — дейди касаба уюшма қўмитаси раиси Қаҳрамон Алимов. — Университетда миллий байрамларимиз ҳар доим кўтаринки руҳда нишонланади. Хотира ва қадрлаш куни арафасида кўп йиллардан буён самарали меҳнат қилиб келаётган фахрий профессор-ўқитувчилар ҳолидан хабар олинади. Фахрийлар, байналмилалчи жангчилар иштирокида катта байрам кечаси ташкил этилиб, моддий рағбатлантирилади.

Талабалар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш мақсадида қатор оммавий спорт мусобақалари ўтказиб келинмоқда. Волейбол, футбол, баскетбол, шахмат-шашка ва миллий кураш бўйича мусобақалар ташкил этилаётир. Мазкур тадбирлар нафақат талабалар ўртасида, балки профессор-ўқитувчи ва ходимлар ўртасида ҳам тез-тез ташкил этилаётир. Спорт тўгаракларида 1400 дан ортиқ талаба қатнашмоқда.

Яқинда касаба уюшма қўмитасининг «Кўчма кубоги» учун мини футбол бўйича факултетлараро уюштирилган мусобақа кўтаринки кайфиятда ўтди. Турнирда биринчи ўринни эгаллаган иқтисодиёт факултети жамоаси бош соврин — «Кўчма кубок», 1-даражали диплом, медал ва қимматбаҳо совғага эга бўлди. Шоҳсупанинг иккинчи поғонасига кўтарилган бухгалтерия ҳисоби ва аудит факултетига 2-даражали диплом ва спорт кийимларидан иборат тўплам топширилди. Учинчи ўрин соҳиби бизнес факултети жамоаси эса 3-даражали диплом ва футбол тўплари билан тақдирланди.

Ўз мухбиримиз

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

«Меҳнатни муҳофаза қилиш ишларини ташкил этиш бўйича энг яхши корхона» республика кўрик-танлови

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ва Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ўртасида ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича 2011-2013 йиллар учун тузилган Бош келишувнинг ижросини таъминлаш ҳамда иш берувчилар томонидан ходимларга соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитлари яратилиши, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларининг олдини олиш, шунингдек, меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан давлат ва жамоат назоратини таъминлашда ўзаро ҳамкорлик самарадорлигини янада ошириш мақсадида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Савдо-саноат палатаси билан биргаликда «Меҳнатни муҳофаза қилиш ишларини ташкил этиш бўйича энг яхши корхона» республика кўрик-танловини ўтказади.

Танлов икки босқичда ўтказилади. Биринчи босқич ҳудудларда фаолият кўрсатаётган корхоналар ўртасида ташкил этилади.

Кўрик-танловнинг биринчи босқичи якуни кўрик-танлов Низомига кўра ташкил этилган ҳудудий ишчи комиссияларнинг йиғилишларида жорий йилнинг 10 июлига қадар кўриб чиқилиб, ҳар бир соҳа бўйича биринчи, иккинчи ва учинчи ўрин бериладиган корхоналар аниқланади. Ғолиблар ҳар бир тармоқ бўйича I, II, III даражали дипломлар ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланадилар.

Танловнинг иккинчи босқичида кўрик-танлов Низомига кўра ташкил этилган республика ишчи комиссияси ҳудудларда биринчи босқичда ғолиб чиққан корхоналар орасидан энг муносибларини жорий йилнинг 10 августига қадар кўриб чиқиб, ҳар бир тармоқ бўйича биринчи, иккинчи ва учинчи ўринларга номзодларни аниқлайди. Иккинчи босқич ғолиблари ҳар бир тармоқ бўйича I, II, III даражали дипломлар ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланадилар.

Иккинчи босқич ғолибларини тақдирлаш 1 сентябр — Мустақиллик байрами арафасида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Савдо-саноат палатаси ҳамда тегишли вазирлик, идора ва бошқа бошқарув органлари раҳбарлари, ғолибликни қўлга киритган корхоналар раҳбарлари ва касаба уюшма қўмиталари раислари, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирокида тантанали тарзда ўтказилади.

Танловда ташкилий-ҳуқуқий, мулк шакли ва идоравий мансублигидан қатъи назар барча корхона, ташкилот ва муассасалар иштирок этиши мумкин.

ТАДБИРКОР ТАЛАБАЛАР

Имтиёзли кредит асосида

Юртимизда минглаб ёшлар касб-ҳунар коллежларида билим олиб, турли мутахассисликка эга бўлишмоқда. Ҳозирда битирувчи қаёқдан иш изласам экан демаслан, ўз бизнес ғоясини ишлаб чиқиб, тадбиркорликка қўл уриши мумкин. Жумладан, Микрокредит банкнинг имтиёзли кредитларидан фойдаланаётган ёшлар жуда кўп.

Ўтган йили Қўшкўпир туман қурилиш ва транспорт касб-ҳунар коллежини битирган 25 нафар талаба имтиёзли кредит ҳисобига нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш, сартарошлик, санитария-техника хизмати, якка буюртмалар бўйича пойабзал тайёрлаш ва тикиш, уй ҳайвонларига қараш, тикув, мўйна, чарм, трикотаж буюмлари ҳамда дераза ва эшик пардаларини тикиш бўйича ўз ишлаб чиқаришларини бошлаб юбордилар.

— Шундай ёш тадбиркорлардан бири Жасур Бобожонов тайёрлаган нон маҳсулотлари тез орада харидорларини топди. Унинг цехида нон, патир, булка каби маҳсулотлар ишлаб чиқарилади, — дейди коллежнинг касбий таълим бўйича директор ўринбосари Ўктам Авезов. — Яна бир талабамиз Зуҳра Дўсмонова кўрпатўшак тикув цехини ишга туширишга арафасида. Интилувчан, тадбиркор талабаларимиздан ўрнак олиб бу йил ҳам кўплаб битирувчиларимиз кредит олиш учун ҳужжат топширди. Уларнинг бизнес ғоялари ўрганиб чиқилиб, 3900000 сўмдан маблағ ажратилиши белгилаб қўйилди. Талабаларимизга тез орада имтиёзли кредитлар топширилади. Улар тикувчилик, мобил телефонларга пул ўтказиш, сартарошлик, мой ва шина алмаштириш, автомобил ювиш, чорвачилик каби турли тадбиркорлик йўналишлари бўйича фаолият бошлашади.

Биллура ТОЛИПОВА

«Поп туман машина-трактор парки» масъулияти чекланган жамиятида далаларда етиштирилган ғалла ҳосилини уюшқоқлик билан ўриб-йиғиб олишга қизғин ҳозирлик кўрилмоқда.

Корхона томонидан 391 фермер хўжалиги билан ғалла ўрим-йиғимида кўмаклашиш бўйича тузилган ҳамкорлик шартномаларига мувофиқ 10 минг 470 гектар майдондаги ғалла йиғиштириб олинади.

Корхонанинг барча ўриш комбайнлари «Попагротехсервис» масъулияти чекланган жамияти билан ҳамкорликда сифатли таъмирланиб, эҳтиёт қисмлар захираси тайёрлаб қўйилди.

Суратда: «Поп туман машина трактор парки» масъулияти чекланган жамияти ишчиси Мардон Усмонов.

Ҳотам МАМАДАЛИЕВ (ЎзА) олган сурат

ТАШАББУС

Маълумки, нодавлат секторда ишлаётган ходимларнинг касаба уюшмаларига жалб қилинмаслиги меҳнат муносабатларида бир қатор муаммолар келиб чиқишига сабаб бўлади.

Кадрлар иш юритуви

Хўш, бундай вазиятда уларга касаба уюшмалари қандай кўмакдош бўла олади?

Қизилтепа туманида ушбу масалага ечим топилди. Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси туман кенгаши томонидан махсус жадвал тузилиб, тумандаги фермер хўжаликларида кадрлар иш юритуви ўрганила бошланди. Натижа эса кутилганидан ҳам яхши бўлди.

— Дастлаб кенгаш ҳисобчиси Келдиёр Қаҳҳоров билан тумандаги «Маржона-Юлдуз» фермер хўжалигида бўлдик, — дейди туман кенгаши раиси Бахтиёр Бердиев. — Хўжаликда 8 нафар ишчи рўйхатдан ўтказилган бўлиб, улардан 2 нафарига меҳнат дафтарчаси очилган экан. Қолганлар бўлса иш стажисиз ишлаб келган. Фермер хўжалигида ўша куниёқ яна 6 нафар ишчига меҳнат дафтарчаси очилди.

Тумандаги «Пахтаобод машъаласи» фермер хўжалиги раҳбари Саттор Муродов ҳам иш юритувидаги мавжуд камчиликларни тан олди. Натижада, хўжаликдаги 7 нафар ишчи меҳнат дафтарчали бўлди. Саъй-ҳаракатлар шу тарзда давом эттирилса, ижтимоий ҳимоя кўлами ортиб боради.

М.АЛОВУДДИНОВ,
«Ishonch» мухбири

ИЧКИ ТУРИЗМ

Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши соҳада юксак натижаларга эришаётган ходимлар, кам таъминланган, иқтидорли талабаларнинг Самарқанд шаҳрига саёҳатини уюштирди. Бу ердаги тарихий обидалар, истиқлол йилларида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари билан танишган 48 нафар сайёҳ бир олам таассуротга эга бўлди.

Хорижликлар ҳайрати

— Саёҳатимиз юқори савияда ташкил этилди, — дейди Тошкент Давлат юридик институти талабаси Музаффар Шаҳобов. — Аждодларимиз яратган кўҳна обидаларни ўз кўзимиз билан кўрдик. Шоҳизинда, Гўри Амир мақбаралари, Регистон майдони, Мирзо Улуғбек расадхонаси ва музейи менда катта таассурот уйғотди. Биноларни безашда ишлатилган гўзал кошинлар кишини лол қолдиради. Айниқса, Гўри Амир мақбарасини томоша қилар эканман, аждодларимизнинг буюк ишларига дахлдорлик, ворислик туйғусини чуқурроқ ҳис қилдим.

Саёҳат давомида талабалар бир гуруҳ хорижий меҳмонлар билан мулоқотда бўлишди. Уларнинг мамлакатимиз тарихига оид саволларига жавоб беришди.

— Гўри Амир мақбарасида франциялик сайёҳлар гуруҳи билан учрашиб қолдик, — дейди Тошкент Давлат иқтисодиёт университети талабаси Ҳумоюн Авезов. — Жанна Кейн исмли француз аёли билан суҳбатлашдим. У Тошкентдан Самарқандга «Афросиёб» тезюрар поездида келганини айтди. Меҳмоннинг таъкидлашича, ҳатто Европанинг кўплаб мамлакатларида ҳали бундай замонавий поездлар қатнови йўлга қўйилмаган экан. «Юртингизда бор-йўғи йигирма йил ичида шунча ўзгаришлар амалга оширилганига одамнинг ишонгиси келмайди, — деди у. — Қадимий Самарқандни кўргач, Шарқ меъморчилигининг бундай юксак намуналарини яратган даҳоларнинг авлодлари ҳали бугунгидан ҳам юксак ишларга қодир деб ўйладим».

Улуғбек ИБОДИНОВ,
«Ishonch» мухбири

ЯНГИЧА ЁНДАШУВ

Фаолияти намунали саналган Боёвут тумани истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшма кенгаши белгиланган устувор вазифалар асосида қатор ишларни амалга оширмоқда. Жумладан, нодавлат секторда ишлаётган ходимларни касаба уюшма аъзолигига жалб этишга кун сайин эътибор кучайтирилмоқда.

Ягона ариза шартномаси

Туманда 30 дан ортиқ хусусий корхона ва микрофирма, якка тартибда фаолият олиб бораётган 300 дан зиёд тадбиркор мавжуд. Уларни аъзоликка жалб этиш мақсадида туман касаба уюшма кенгаши ва иш берувчилар ўртасида ўзига хос — «ягона ариза шартномаси» ташкил этилди. Бунда кам сонли ишловчилари бўлган хусусий фирма ва якка тартибдаги тадбиркорлар касаба уюшма ҳимоясига олинади. Шу тариқа жамоа шартномаси оилавий тадбиркорлик билан шуғулланаётган тадбиркорларга ҳам татбиқ этилади.

— Натижада, кўплаб нодавлат сектордаги ходимлар учун касаба уюшма имтиёзларидан фойдаланиш имконияти туғилади, — дейди туман кенгаши раиси Манзура Додаева.

Якка тадбиркор Покиза Мамараимова қандолатчилик билан шуғулланади. У касаба уюшма аъзолигига жалб этилгач, соҳа фаоллари йўл-йўриқлари билан янги иш ўринларини яратди. Айни пайтда П.Мамараимова 10 дан зиёд коллеж ўқувчисига ўз ҳунарини ўргатмоқда. Шунингдек, тикувчилик соҳасида фаолият олиб бораётган Ўғилой Раҳмонқулова ҳам касаба уюшма кўмагида имкониятларини янада кенгайтиришга муваффақ бўлди.

Озода МАМАДАЛИЕВА,
«Ishonch» мухбири

Маҳалла институти

Маҳалла ҳаётимизда жуда муҳим ўрин тутади. Мустақиллик йилларида мазкур институтнинг ривожланиши, мақомини юксалтиришга катта эътибор қаратилиб, у том маънода фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига айлантирилаяпти.

Фуқаролик жамияти қурилиши концепцияси давлатнинг қатор функция ва ваколатларини босқичма-босқич маҳаллий ҳокимият органларига, жамоат тузилмалари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига беришни тақозо этади. Шу боис давлатимиз раҳбари эълон қилган «Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари» модели ўз мазмун-моҳиятига кўра, айтиб ўтилган вазифаларни муваффақиятли амалга ошириш механизмларини ишлаб чиқишга қаратилгандир.

Янги таҳрирда қабул қилинган «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонун ушбу тизим фаолиятининг ташкилий асосларини янада такомиллаштиришга, маҳаллани аниқ йўналтирилган асосда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантиришга, шунингдек, давлат органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш соҳасидаги функцияларини кенгайтиришга қаратилгандир.

Хусусан, қонунга асосан аҳолининг ижтимоий ночор қатламларини қўллаб-қувватлаш дастурларини амалга ошириш, кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари бўлмиш ёшлар никоҳдан ўтаётганда ва тўй қилаётганда уларга моддий ёрдам бериш, икки ёшга тўлмаган болалари бор ишламайдиган оналарга, шунингдек, бюджет ташкилотларида ишлайдиган оналарга ҳамда уларнинг ўрнини босувчи шахсларга нафақалар тайинлаш ва тўлаш бўйича фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ваколатлари сезиларли даражада кенгайтирилди. Масалан, энди фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўз ҳудудида жойлашган тадбиркорлик субъектлари, жумладан, оилавий тадбиркорлик субъектлари томонидан кредитлар олинишида белгиланган тартибда кафил бўла оладилар.

Бундан ташқари, маҳалла йиғинларига давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, банклар, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва бошқа ташкилотлар билан биргаликда кам таъминланган оилалар фарзандларига, улар оила қураётганда ва тўй тадбирларини ўтказаётганда қўшимча моддий ёрдам кўрсатиш, шунингдек, ўз ҳудудида тадбиркорлик фаолиятини, хусусан, оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчиликни ривожлантиришга кўмаклашувчи маслаҳат марказларини ташкил этиш ваколатлари берилди.

Янги таҳрирдаги «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчи-

ЭЛ СОҒЛИГИ — ЮРТ БОЙЛИГИ

«Одамзотнинг соғлиги кўп жиҳатдан, авваламбор, унинг ўзига боғлиқ. Бунинг учун ўз ҳаётини оқилона йўлга қўйиши, ҳар қандай касалликнинг олдини олиш учун соғлом ҳаёт тарзи ва турмуш маданияти талабларига амал қилиб яшаши лозим».

Ислом КАРИМОВ

Даволагандан олдини олган маъқул

Янгийўл туман тиббиёт бирлашмасига қарашли Саломатлик маркази 1992 йилда ташкил топган бўлиб, унинг фаолияти асосан аҳолининг тиббий маданиятини юксалтиришдан иборат. Бунинг учун жойларда саволжавоб кечалари ўтказилиб, туман газеталарида турли мақола ва тавсиялар бериб борилмоқда. Марказда меҳнат қилаётган олти нафар ходим жойлардаги 20 та қишлоқ врачлик пункти ходимлари билан яқиндан ҳамкорлик қилаётгани учун ҳам ишлар самарали бўлмоқда.

Тадбирлар асосан ҚВП, маҳалла, коллеж, академик лицей, мактабларда ташкил этиб келинаётганини таъкидлаш лозим.

— Бизнинг бош мақсадимиз — беморни даволаш эмас, балки хасталикнинг олдини олиш, профилактика, тарғибот-ташвиқот ишларини мунтазам олиб бориш, — дейди марказ раҳбари Муяссар Комилова. — Президентимиз раҳнамолигида соғлиқни сақлаш тизимига қаратилаётган эътибор фаолиятимиз сифати ва самарадорлигини таъминлашга катта ёрдам бераётир. Ҳозирги кунда болаликдан ногиронлик, ирсий ва фақат касаллик ва камчиликларнинг йўқлиги, балки тўлиқ жисмоний, ақлий ва ижтимоий муваффақиятлар ҳолати ҳамдир.

Зеро, аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш жамоатчиликнинг жиддий ёндашувини талаб қилади. Репродуктив давр — инсоннинг ўзидан насл қолдиришга қобилиятли бўлган давридир.

наслий касалликларнинг олдини олиш, аёллар репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш ва соғлом оилани вужудга келтириш мақсадида маҳаллаларда тиббиёт ходимлари томонидан тарғибот-ташвиқот тадбирлари амалга оширилмоқда.

Шу ўринда, саломатлик ва репродуктив саломатлик тушунчалари хусусида маълумот: Саломатлик – нафақат касаллик ёки жисмоний нуқсонларнинг йўқлиги, балки тўлиқ жисмоний, руҳий, ижтимоий хотиржамлик ҳолатидир. Репродуктив саломатлик эса репродуктив тизим ва унинг фаолияти билан боғлиқ барча масалаларда на-

Хитойликларда бир мақол бор: «Касал бўлишингдан уч йил олдин шифокорга учраш, ўлимингдан уч кун олдин эмас». Ваҳоланки, аксарият одамлар ҳафсаласизлик ёки лоқайдлик сабаб касалликни ўтказиб юборишади.

Жорий йилнинг «Обод турмуш йили» деб эълон қилиниши бу борадаги ишларни янги босқичга кўтариш имконини берди. Жумладан, аҳолининг репродуктив саломатлик тўғрисидаги билим ва кўникмаларини, оилаларда тиббий маданиятни юксалтириш, ўғил-қизларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, ёшларни тўйдан олдин тиббий кўрикдан ўтказиш, эрта турмуш қуришнинг олдини олиш бўйича амалга оширилаётган кенг кўламли чора-тадбирлар натижасида бугунга келиб оналар ва болалар ўлими кескин камайди, чақалоқларнинг туғма нуқсон ва ирсий касалликлар билан туғилиши олдини олиш бўйича юқори натижаларга эришилди, аҳолининг ўртача умри сезиларли даражада узайди.

Марказда соғломлаштириш, даво машқлари, тренажёр заллари мавжуд бўлиб, у ерда туманимизда истиқомат қилаётган 186 нафар ёлғиз кексаларга бепул хизмат кўрсатилади. Ҳар ҳафтанинг чоршанбаси саломатлик куни деб эълон қилинган. Бундан ташқари, қариндош-уруғлар ўртасида ҳамда эрта никоҳнинг олдини олиш бўйича ҳар бир ташкилот ва хонадонларга кириб боришга ҳаракат қиляпмиз.

Аҳолининг тиббий маданиятини ошириш, саломатлигини мустаҳкамлаш йўлида қишлоқ врачлик пунктлари ва оилавий поликлиникалардан самарали фойдаланилмоқда. Ҳар бир ҳудудга алоҳида мутахассислар бириктирилган. Улар аҳолини соҳадаги ўзгаришлардан бохабар қилиб бораётир. Оналар ва болалар саломатлиги, фарзанднинг соғлом туғилиши билан боғлиқ муаммолар чекка қишлоқларда кўпроқ учрашини инобатга олиб, асосий эътибор бирламчи тиббий-санитария муассасаларига яқиндан ёрдам беришга қаратилмоқда.

Нарзулла МАҲАМОВ,
«Ishonch» мухбири

БИЛИБ ҚЎЙГАН ЯХШИ

Аҳолини сифатли, хавфсиз дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмларига бўлган эҳтиёжини қондириш — соғлиқни сақлаш соҳасининг долзарб вазифаларидан биридир. Ҳозирги кунда фармацевтика маҳсулотларини етказиб берувчилар ва истеъмолчилар ўртасидаги муносабатларни тартибга солиш, аҳолига дори-дармон етказиб беришни яхшилаш, истеъмолчилар манфаатини ҳимоя қилиш борасидаги қонунчилик базасини мувофиқлаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Шунингдек, ички фармацевтика бозорини сифатсиз маҳсулотлардан ҳимоя қилиш, дори воситалари савдосининг тартиб-қоидаси, айрим ижтимоий аҳамиятга эга бўлган касаллик билан оғриган беморларни бепул ёки имтиёзли асосда дори-дармон билан таъминлаш, қоларверса, фуқароларнинг шу йўналишдаги ҳуқуқий билимини янада ошириш ҳам долзарб масала ҳисобланади. Шундан келиб чиққан ҳолда истеъмолчиларни қизиқтираётган саволларга қуйидаги жавобларни ҳавола этамиз.

Дори дармон бўлсин учун

— Кимлар амбулатория шароитида дори-дармон билан бепул таъминланиш ҳуқуқига эга?

— Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 2 декабрдаги 532-сонли қарорига мувофиқ, давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амбулатория шароитида даволанаётган қуйидаги касалликларга чалинган беморлар бепул дорилар билан таъминланади:

- онкологик касалликлар;
- сил касаллиги;
- мохов (лепра) касаллиги;
- эндокринологик касалликлар;
- руҳий касалликлар;
- ОИТСга чалинганлар;
- юрак клапанида протезлаш амалиётидан кейин ва аъзолар кўчирилганда.

Шунингдек, бундай ҳуқуққа аҳолининг айрим тоифаларига кирувчи:

- бошқаларнинг қаровига муҳтож ёлғиз пенсионерлар;
- 1941-1945 уруш йиллари меҳнат фронти қатнашчилари;
- 1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчилари ва ногиронлари ҳамда уларга тенглаштирилган шахслар;
- Чернобил АЭСдаги ҳалокат оқибатларини тугатишда қатнашган ногирон шахслар;
- байналмилалчи жангчилар;
- ҳарбий хизматни ядро полигонлари ва радиация-ядро объектларида ўтаган, пенсия ёшидаги шахслар эга.

— Дорихоналарда биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш учун дорилардан қайсилари бўлиши шарт ва улар қандай нархда сотилиши керак?

— Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 6 августдаги 404-сонли Қарори (2-илова) билан биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш учун зарур бўлган 20 хил дори-дармон воситалари рўйхати тасдиқланган. Ушбу дорилар мулкчилик шаклидан қатъи назар, нафақат барча дорихоналарда бир хил белгиланган нархларда сотилиши, шу билан бирга истеъмолчиларга бу тўғрида тегишли маълумот етказилиши зарур. Бу рўйхатга қуйидагилар киритилган: Аспирин, Аналгин, Димедрол, Дибазол, Левомицетин, Нитроглицерин, Папаверин, Сенадексин, Новокаин, Валидол, Эуфиллин, Йод, Валериана дамланмаси, Нашатир спирти, Бор мази, тиббий пахта, горчичниклар, бинтлар.

— Шифокорнинг шифохонага тушган беморга ёки унинг қариндошларига бир қанча дориларни тавсия этиб, шифохона ташқарисидан олиб келишга мажбур этиши тўғрими? Бунинг устига дорилар рўйхати оддий қоғозда ёзиб берилган бўлса?

— Дориларни тавсия этишда шифокор беморнинг аҳволи ва тегишли потогенетик заруриятга таянади.

Юқоридаги ҳолатда шифокор томонидан қонун талаблари бузилган ҳисобланади. Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 6 августдаги 404-сонли Қарори 9-бандининг 1-иловасига мувофиқ, шифохонада касални даволаш учун тегишли дори воситалари мавжуд бўлмаган ҳолларда, даволаш-профилактика муассасаси шифокорларига у ёки бу дорини олиб келиш учун рецепт ёзиб беришга рухсат этилади. *(Бемор ҳисобига дори сотиб олинганини унинг касаллик тарихида акс эттириш — ёзиб қўйиш шарти билан).* Шифокор шифохона дорихонасида беморга тавсия этилаётган дори мавжуд эмаслигини аниқлаб, бунга амин бўлган тақдирдагина бемор ёки унинг қариндошларига шифокорнинг шахсий мухри ва имзоси билан рецепт ёзиб бериши ва рецептда буюрган дори препаратининг дозаси ва микдори ҳақида фармацевтга аниқ кўрсатма бериши лозим.

Истеъмолчи рецепт асосида дори-дармонларни сотиб олгандан сўнг рецепт қоғози ва дорихонадан дори-дармонларнинг сотиб олинганлиги тўғрисидаги чек қоғозини сақлаши ва касаллик тарихига бириктириб қўйиши лозим.

— Дорихонадан сотиб олинган дорилар қайтарилиши мумкинми?

—Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 13 февралдаги 75-сонли Қарорининг «Қайтариш ва алмаштириш мумкин бўлмаган тегишли сифатдаги озиқ-овқат ҳисобланмайдиган товарлар рўйхати» 1-иловасидаги «Чакана савдо қоидалари»нинг 1-моддасига биноан:

Уй шароитида касалликларни даволаш ва уларнинг олдини олиш учун товарлар (металл, резина, тўқимачилик ва бошқа материаллардан ясалган ашёлар, асбоблар, тиббий ускуна ва жиҳозлар, оғиз бўшлиғи гигиенаси воситалари, кўзойнак линзалар, болаларни парваришлаш буюмлари, дори препаратлари) қайтариб олинмайди ёки унга ўхшаш товарга алмаштирилмайди.

— Дорихонадан дори-дармон сотиб олдим, менга чек беришмади, чек нима учун керак?

— Дори харид қилганингизда дорихона ходимлари, сиз сўрамасдан ёки талаб қилмасингиздан олдин ўзлари сизга сотиб олинган дори воситасини бераётганда унинг касса чекини беришлари шарт.

Касса чекини бермаслик сизнинг истеъмолчи сифатида дори маҳсулотини сифатсизлиги натижасида етказилган зарарни ундириш ҳуқуқингизни амалга оширишга тўсқинлик қилади.

Гавҳар САҒАТОВА,
Тошкент вилояти Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари ҳудудий бирлашмаси мутахассиси

МАТБУОТ АНЖУМАНИ

Тарих — ҳаёт мактаби

Юртимизнинг энг янги тарихи бўйича ўқув-методик, илмий-оммабоп, маърифий адабиётларни ўрганиш, тайёрлаш ва чоп этиш, бу борада илмий, маданий, таълим, жамоат муассасалари ва ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш ишларининг самарадорлигини ошириш, ёшларда, авваламбор умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ўқувчиларида, олий ўқув муассасалари талабаларида мамлакат тарихи ҳақидаги чуқур билимларни шакллантириш бугунги куннинг муҳим вазифаларидан биридир.

2012 йил 27 январда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузурида Ўзбекистоннинг энг янги тарихи бўйича Жамоатчилик кенгашини тузиш тўғрисида»ги Қарори қабул қилинган эди. Ўтган давр мобайнида Жамоатчилик кенгаши томонидан мазкур қарорда белгиланган вазифаларни бажариш борасида муайян ишлар амалга оширилди.

Ўзбекистон Фанлар академияси томонидан Миллий матбуот марказида ўтказилган навбатдаги анжуман «Ўзбекистоннинг энг янги тарихини ўрганишнинг долзарб масалалари»га бағишланди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида ўтган мулоқотда Ўзбекистон Фанлар академияси Тарих институти, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясининг етакчи олимлари, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Ўзбекистоннинг энг янги тарихи бўйича Жамоатчилик кенгашининг раҳбар ва мутахассислари қатнашдилар.

Тадбир жараёнида республикамизнинг тарихчи олимлари томонидан Ўзбекистоннинг энг янги тарихини тизимли равишда тарихийлик ва холислик принципларига асосланган ҳолда ўрганишни ташкил этиш, шунингдек, буюк тарихий-маданий меросга эга бўлган ва жаҳон цивилизациясининг ривожига улкан ҳисса қўшган ўзбек халқининг тарихий ўтмиши ва бугунги кунига баҳо беришда бир ёқлама ёндашувларга йўл қўймаслик, ўқув, илмий, ўқув-методик адабиётларни тайёрлаш ва янги авлод нашрларини чоп этиш бўйича ишларни мувофиқлаштириш, уларда Ўзбекистоннинг энг янги тарихини умумжаҳон ва минтақавий жараёнлар билан, шунингдек, ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида шаклланган халқлар ва давлатлар цивилизациясининг тарихий-маданий мероси билан узвий боғлиқ ҳолда кўриб чиқишни таъминлаш соҳасида амалга оширилаётган илмий тадқиқот ишлари ҳақида батафсил маълумот берилди.

Очиқ мулоқот чоғида журналистлар ўзларини қизиқтирган барча саволларга тўлиқ жавоб олдилар.

Ўз мухбиримиз

ЗАМОН ЙЎРИҒИ

Бундан роппа-роса икки йил илгари Когон туманининг Тути-кунда қишлоғида яшовчи Равшан Худойбердиев отасига юрагини очди:

— Қишлоғимизнинг нариги чеккасидаги тепалик атрофида катта бўш жой борлиги яхши биласиз. Унинг ён-верида бир неча гектар майдонни ҳамиша зах босиб, чакалакзор, қамишзорга айланиб қолган. Эсимни танибманки, у ерга биров йўламайди. Тегишли идоралар рухсат беришса, ана шу жойни балиқхонага айлантирсак, нима дейсиз?

Балиқчилик ривожи йўлида

Рамазон ака ҳудуднинг ташландиқ ҳолатда ётганини билса-да, ундан фойдаланиш ҳеч хаёлига келмаганди. Ўғлининг гапи маъқул тушди.

Ота-ўғил аввал қишлоқ фуқаролар йиғинига, кейин эса туман ҳокимлигиға мурожаат қилишди. Таклифлари қўлланиб, ишлари ўнгланди. Соҳа олимлари, мутахассисларнинг маслаҳатлари асосида қисқа фурсатда бир гектардан зиёд сунъий кўл барпо этилди. «Бухоробалиқ» масъулияти чекланган жамиятида етиштирилган увулдириқлар кўлга ташланди.

Биз тилга олаётган «Когон зарбалиқчи» масъулияти чекланган жамияти ўтган йилнинг охирларида дастлабки маҳсулотини аҳоли дастурхонига тортиқ этди. Истеъмолчиларга 1,2 миллион сўмлик лукмаи ҳалол етказиб берилди. Бугунги кунда тадбиркор Равшан отаси Рамазон ака билан истиқболли режалар асосида фаолиятини давом эттирмоқда. Қўшимча равишда яна ярим гектарли сунъий кўл барпо этиляпти. Шу ҳудудда улар паррандачиликни ҳам йўлга қўйиш мақсадида 2000 та товуққа мўлжалланган бино қуришяпти. Бу тармоқни кенгайтириш, маҳсулот ҳажмини да аниқ чора-тадбирлар режасини белгиланмиз,—дейди Когон тумани давлат солиқ инспекцияси бошлиғи вазифасини бажарувчи Қодир Исмоилов.—Ходимларимиздан ташкил топган ишчи гуруҳ аъзолари аҳоли ўртасида балиқчиликка эътиборни ошириш ва балиқ маҳсулотлари ишлаб чиқариш салмоғини кескин кўпайтириш борасида тушунтириш ишлари олиб боришмоқда. Шунингдек, балиқчилик билан шуғулланаётган аҳоли ҳамда хўжаликларга яратилган имтиёз ва қулайликлар ҳақида тарғибот-ташвиқот ишларининг самарали олиб борилиши ижобий натижа бераётир.



Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси туман кенгаши раиси Нутфулло Изомовнинг таъкидлашича, бугунги кунда «Когон Намозбек балиғи», «Шуҳрат Лола Юсуф балиқчи», «Когон Дурдонахон» каби хусусий корхона ва масъулияти чекланган жамиятлар аҳолининг лукмаи ҳалолга бўлган талабини тўлароқ қондириш мақсадида астойдил ҳаракат қилмоқдалар. Имкониятлар чегарасини янада кенгайтириш чоралари кўрилаётир. Жорий йилда балиқчилик билан шуғулланадиган корхоналар сони ўндан ошади. Шахсий хўжаликларда эса маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми икки ҳиссага кўпаяди.

Иззатулла ҲОЖИЕВ,
«Ishonch» мухбири

янада такомиллашади

лари тўғрисида»ги қонун фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайлов тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган бўлиб, катта ҳаётий тажрибага эга бўлган ҳамда аҳолининг ҳурмати ва ишончини қозонган энг муносиб фуқаролар раислар ва уларнинг маслаҳатчилари этиб сайланиши, шунингдек, фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайлови тизимини янада демократлаштиришнинг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлашни назарда тутади. Хусусан, қонунда фуқаролар йиғини раиси лавозимига номзодларга қўйиладиган қўшимча талаблар белгиланган, фуқаролар йиғини раиси лавозимига номзодлар ўз чиқишларида келгусидаги фаолияти дастурини эълон қилишлари шартлиги ҳақидаги тартиб жорий этилди. Олий маълумот ва ташкилотчилик қобилиятига эга бўлиш билан бирга, улар Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлишлари, бевосита сайловга қадар камида 5 йил тегишли ҳудудда доимий яшаётган, давлат органларида ёки нодавлат нотижорат ташкилотларда ёхуд тадбиркорлик ва бошқа хўжалик фаолияти соҳасида иш тажрибасига эга бўлишлари шарт. Шунингдек, уларнинг ҳаётий тажриба ва аҳоли ўртасида обрў-эътиборга эгалиги талаб қилинади.

Қонунда нафақат суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган, оғир ёхуд ўта оғир жиноятларни содир этганлик учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган шахсларнинг, балки ҳақиқий ҳарбий хизматдаги шахслар ва диний ташкилотлар профессионал хизматчиларининг ҳам фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) лавозимига сайланиш учун номзод этиб кўрсатилиши тақиқланади. Айни пайтда фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ёки унинг маслаҳатчилари лавозимига номзодлар ҳудудий комиссияга аъзо шахслар ёхуд уларнинг яқин қариндошлари орасидан кўрсатилган тақдирда улар комиссия таркибидан чиқарилиши белгилаб қўйилган.

Қонун билан Олий Мажлис Сенатининг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайловни ташкил этиш ва ўтказишдаги ваколатлари ҳам кенгайтирилган. Хусусан, Олий Мажлис Сенати Кенгашининг фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссияси мазкур сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказиш даврида тузилиши назарда тутилган. Сайловни ўтказиш муддатлари ва тайёргарлик тадбирларининг тартиби Олий Мажлис Сенати Кенгаши томонидан белгиланади.

Хулоса сифатида таъкидлаш жоизки, маҳалла институти фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича давлат дастурида кўзда тутилган комплекс чора-тадбирларнинг амалга оширилиши халқ турмушини яхшилаш, унинг фаровонлигини, тинч ва осуда ҳаёт кечиришини таъминлаш йўлидаги яна бир муҳим қадам бўлиб, пировардида мамлакатимизнинг янада гуллаб-яшнашига хизмат қилади.

Адҳам БАРАТОВ,
Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Қонунчиликка риоя этилиши устидан назорат қилиш бош бошқармаси Тошкент вилояти ҳудудий бўлими етакчи маслаҳатчиси

Омон бўлинг,
МУҲТАРАМ ГАЗЕТХОН

Ishonch
2013-yil 23-may № 63 (3256)

И.Савицкий номидаги Қорақалпоғистон Республикаси Давлат санъат музейида таниқли рассомлар иштирокида ёш иқтидор эгалари учун маҳорат сабоғи ўтказилди.

Музей томонидан ташкил этилган мазкур тадбирда Нукус шаҳридаги ихтисослаштирилган тасвирий ва амалий санъат мактаби ҳамда болалар мусиқа ва санъат мактаблари ўқувчилари қатнашди. Маҳорат сабоғида тасвирий санъат борасида билим ва тушунчалари, кўникмаларини мустаҳкамлаб, ижодий маҳоратини янада оширган ёш истеъдодлар қорақалпоқ рассомларининг музейдан жой олган дурдона асарлари билан ҳам яқиндан танишиш имконига эга бўлди.

Суратда: тадбир қатнашчиси Нукус ихтисослаштирилган тасвирий ва амалий санъат мактаби ўқувчиси Бекбарс Исоқбоев.

Мақсад ҲАБИБУЛЛАЕВ (ЎзА) олган сурат

ОРАМИЗДАГИ ОДАМЛАР

Яккабоғ туманида кўплаб ёшларга миллий кураш, самбо ва дзюдо сирларини ўргатаётган фидойи мураббий Қаландар Алланазаров энг бахтли устозлардан. Чунки унинг шогирдлари нафақат туман ва вилоят, балки мамлакат шарафини муносиб ҳимоя қилиб келаётган спортчилардир.

Умр мазмуни кураш майдонида

Кураш бўйича ёшлар ўртасида биринчи жаҳон чемпионати совриндори Дилшода Ҳазратова (2000 йил, Твер шаҳри), самбо бўйича Осиё чемпионати совриндорлари Мақсуда Худойбердиева, Сурайё Бегимова, республика чемпионлари Қундуз Тўрақулова, Сурайё Шаҳриева, Дилярра Бердиева, Малика Ортиқова. Улар Яккабоғ туманининг Шаманқирғиз, Қишлиқ, Давза, Бехўжа каби қишлоқларида камолга етиб, дунё ва қитъа майдонларида ўз сўзларини дадил айта олган спортчилардир.

1967 йил ўрта мактабни тугатиб, Қарши Давлат педагогика институтига (ҳозирги университет) ўқишга кирган Қаландар Алланазаров устозларидан мураббийлик сир-асрорини чуқур ўрганди. Кураш мураббийлари Жобир полвон Язданов ва Хўжаёр Шойимовнинг ўгитларини тинглаб, ўзида улкан масъуллик ҳис этди. Ҳаёти мазмунини кураш майдонида, деб билди.

Чекка-чекка қишлоқ ёшлари орасидан чемпионлар тарбиялаётган устознинг меҳнатлари Юртбошимиз томонидан муносиб баҳоланди. Яъни, унга ёшларни тарбиялашдаги меҳнатлари учун 2002 йилда биринчи даражали «Соғлом авлод учун» ордени берилди.

Устоз шогирдлари камолидан қувонади, уларнинг ютуқларидан қалби дарёдай тошади.

— 2000 йилда Жиззахда кураш бўйича мамлакат чемпионати бўлаётганди, — ҳикоя қилади устоз. — Бу пайтда шогирдим Дилшода Ҳазратова Ўзбекистон Давлат Жисмоний тарбия институтига имтиёзли равишда қабул қилинган эди. Мусобақада Тошкент шаҳри шарафини ҳимоя қилиб, то финалгача етиб келди. Яна бир шогирдим Мақсуда Худойбердиева Қашқадарё вилояти вакили сифатида барча рақибларидан устун келиб, ҳал қилувчи беллашувгача етиб борди. Финалда икки шогирдимни кўриб туриб, ҳаяжондан кўзларимга ёш келганди ўшанда. Беллашувда Мақсуданинг қўли баланд келди. Бу ҳаётимдаги энг унутилмас лаҳзалардан бўлиб қолди...

Яккабоғ туманидаги 29-ўрта мактаб кураш залида машғулот қизғин. Ўсмирлар иштиёқ билан устознинг кўрсатмаларини бажарар, мураббий ва ўқувчилар гўё бу оламни унутгандек эди. Машқлар тугагач, ёш курашчилардан бирини суҳбатга тортдик.

— Абдуҳошим Қаҳҳоровман, ёшим 15 да, — ўзини таништирди табиатан чайир бир ўспирин. — Дадам Боймурод ака ёшлигида тўйқурашларда даврага чиққани учун бизнинг ҳам спорт билан шуғулланишимизни хоҳлади. Мен, укаларим Абдумалик, Абдуҳаким ҳар куни машғулотларда иштирок этамиз. Соҳибқирон Амир Темур бобомиз тавваллудининг 677 йиллигига бағишланган турнирда жамоадошларимдан Шарафиддин Шарипов, Мирзоҳид Эргашев, Шоҳруҳ Замонов ва менга ғолиблик насиб қилди. Биз келажакда устозимиз ишончини оқлаб, Ўзбекистон терма жамоаси сафига кириш ва халқаро мусобақаларда ҳам катта ғалабаларга эришишни орзу қиламиз.

— Қаландар полвон — мактабимизнинг фахри, — деди 29-мактаб директори Нурали Исломов. — Болаларга жуда меҳрибон. Ҳатто дам олиш кунлари ҳам у кишини спорт залидан топасиз. Касбига бўлган садоқати туфайли ёшларимиз орасидан мамлакат терма жамоаси аъзолари етишиб чиқяпти. Масалан, Дилярра Бердиева ўзи 1995 йилда туғилган бўлса-да, 1993-94 йилларда туғилган қизлар ўртасида самбо бўйича 80 кг. вазн тоифасида мамлакат чемпионлигига эришди. У, шунингдек, ўтган йили дзюдо бўйича республика биринчилигида бронза медалга сазовор бўлди. Дилярра шу кунларда самбо бўйича навбатдаги Осиё чемпионатига қизғин ҳозирлик кўрмоқда.

Қаҳрамонимизнинг энг асосий ақидаси — вақтнинг қадрига етмоқ. Шу боис, ҳар сафар машғулотларга шогирдларидан олдин келса келадики, лекин асло кеч қолмайди. Шогирдлари ҳам устознинг ёндашувига қараб, масъулиятни теран англашади.

Қаландар Алланазаров, шунингдек, Яккабоғ туманидаги Болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг ҳам мураббийи саналади. Туманда ўтадиган ҳар қандай спорт мусобақасини юқори савияда ташкил этишга ҳисса қўшади.

Меҳрибон мураббий умр йўлларига назар ташлар экан, шундай деди:

— Спорт умримга файз берди. Спорт орқали мен, оддий қишлоқ мураббийи давлатимизнинг юксак мукофотига сазовор бўлдим. Яккабоғ тумани халқ таълими тизимида самарали меҳнат қилган Аҳмаджон Мираков, спорт фахрийлари Тўра Элмирзаев, Ботир Эгамов, «Ёшлик» жисмоний тарбия ва спорт жамияти туман кенгаши раиси Абдураҳмон Янгибоев, туман БЎСМ директори Бўрон Тўраев фаолиятим давомида қўллаб-қувватлашди, зарур пайтларда ёрдамни аяшмади. Улар каби спортимиз жонкуярлари қанчалик кўп бўлса, ёшлар камолоти дилларни ғурурга тўлдираверади.

Акмал АБДИЕВ, «Ishonch» мухбири

ҚАРОР ВА ИЖРО

Давлатимиз томонидан таълим соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар ҳеч муболағасиз мамлакатимиз тараққиётига хизмат қилаётир. Президентимизнинг 2012 йил 10 декабрдаги «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳам, шубҳасиз, шу мақсадни ўз ичига олган.

Умумевропа андозаларига мос

Миллий матбуот марказида Халқ таълими вазирлиги мутасаддилари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида бўлиб ўтган анжуманда ушбу қарор доирасида олиб борилаётган ишлар ҳамда 2012-2013 ўқув йилида амалга оширилган устувор вазифалар ҳақида батафсил маълумот берилди.

Жумладан, қисқа вақтда халқаро экспертлар жалб этилган ҳолда узлуксиз таълим тизимининг давлат таълим стандартлари ишлаб чиқилди. Унга биноан 1- дан 9-синфгача бўлган ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ишлари 1 майга қадар тўлиқ якунига етказилди. Босқичма-босқич ўқитиш бўйича янги ўқув режаси ишлаб чиқилиб, 1-, 4- синфлар ўқув дастурига ҳафтасига икки соатдан чет тили фани киритилди. 5-дан 9-синфгача бўлган ўқувчилар учун эса йил давомида 782 соат ҳажмда сабоқ берилиши белгилаб олинди.

Яратилаётган дарсликлар 130 та мактабда ҳамда 14 та малака ошириш институтида синовдан ўтказилди. Синов натижалари ҳамда халқаро экспертлар хулосаси асосида улар янада такомиллаштирилиб, жорий йилнинг 15 августига қадар чоп этилади ва барча мактабларга етказилади.

2013-2014 ўқув йилида биринчи синфлар сони 2045 тани ташкил этиши кутилмоқда. Хорижий тилнинг 1- синфдан бошлаб ўқитилиши муносабати билан қўшимча 7549 та қўшимча хонага, шу билан бирга 3970 ставка дарс юкламасига эҳтиёж туғилади. Талабнинг бир қисми 1429 нафар олий таълим муассаси битирувчилари ҳисобидан, қолган қисми ўқитувчиларнинг педагогик юкламаларини 1,5 ставкагача ошириш ҳисобига қопланиши кўзда тутилган.

Мавжуд умумтаълим мактабларида 9870 та компютер синфи, 4692 та видеопроектор, 26 та электрон доска, 302 номдаги электрон дарслик, 1068 та умумтаълим мактаби лингафон хоналари мавжуд. Таъкидлаш жоизки, республика бўйича 1 - 4-синфлар учун 17218 та ҳамда 5 - 9- синфлар учун 8695 та компютер техникасига эҳтиёж борлиги аниқланди. Мазкур масалалар ечимини таъминлаш учун «Умумтаълим мактабларининг чет тиллар кабинетларини замонавий ахборот-коммуникация ва ўқитишнинг техник воситалари ва анжомлари билан жиҳозлаш меъёри» лойиҳаси тасдиқланди.

Қайд этилишича, ўтган йили 363 та таълим муассасасида қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилди. Шундан 14 та янги уй-жой массивида мактаблар қурилди, мавжуд 187 тасида капитал реконструкция ишлари, 162 тасида капитал таъмирлаш ишлари олиб борилган. Жорий йилда қайта жиҳозлаш дастурига киритилган 1740 та умумтаълим мактабини мебел, ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, компютер техникаси, спорт анжомлари, мусиқа чолғулари билан жиҳозлаш режалаштирилган.

Анжуманда журналистларни қизиқтирган саволларга мутахассислар томонидан атрофлича жавоб берилди.

Дилором АЛЛАҚУЛОВА, «Ishonch» мухбири

Тил — билим манбаи

Мамлакатимиздаги таълим муассасаларида чет тилларни чуқур ўргатишга катта имконият яратиб берилгани барчани хурсанд қилди. Чунки, жаҳон майдонида ўз ўрнига эга бўлиб бораётган давлатимизнинг шуҳратини дунёга танитишда, ёшларимизнинг халқаро доирада маҳорат ва тажрибаларини оширишда тил билишнинг аҳамияти катта.

Ўттиз уч йилки, инглиз тили фанидан сабоқ бераман. Ўзим ишлайдиган умумтаълим мактаби мисолида сўз юритсам, ҳафтанинг чоршанба куни «Инглиз тилида сўзлашиш куни» деб белгиланди. Оғзаки мулоқотни янада кучайтирмоқчимиз. Шундагина хорижий тилни ўзлаштириш осон бўлади. Бунда мактабимиздаги 7«А» ҳамда 5«А»-синф ўқувчилари фаоллик кўрсатишяпти. Қувонарлиси, ота-оналар ҳам ўғил-қизларининг инглиз тилини чуқур ўрганишига хайрихоҳлик билдиришмоқда.

Камол РАҲМОНОВ, Чироқчи тумани 160-умумтаълим мактаби касаба уюшма қўмитаси раиси

СПАРТАКИАДА

Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Арнасой туман кенгаши, таълим муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими ҳамда Миллий тикланиш партияси туман кенгаши ҳамкорлигида Обод турмуш йилига бағишлаб соҳа ходимлари ўртасида спартакиада ўтказилди.

Қизғин беллашувлар

Спорт тадбирида тумандаги 21 та умумтаълим мактаби жамоалари қишлоқ ва маҳаллалар бўйича терма жамоа бўлиб иштирок этишди. Қизғин кечган мусобақаларда, айниқса, Чўлқувар, Зарафшон, Дўстлик, Тошкент, F.Ғулом номли маҳаллалар жамоалари жонбозлик кўрсатишди.

Мини футбол бўйича 10-мактаб жамоаси биринчи, 20-мактаб вакиллари иккинчи, 22-мактаб жамоаси учинчи ўринга лойиқ деб топилди.

Шахмат турида 8-мактаб ўқитувчилари Толиб Умаров, Дилдора Пардаева биринчиликни қўлга киритган бўлса, 1-мактабдан О.Қурдошева, 16-мактабдан О.Зоидов, 12-мактабдан Б.Ўсаровлар совринли ўринларга эга бўлди. Стол тенниси мусобақаларида 13-мактаб ўқитувчиси Б.Пардаев, 15-мактаб ўқитувчилари М.Абдураҳимова, Ш.Абдураҳимов, С.Эшбековларнинг қўли баланд келди.

Отаниёз МУСТАФОЕВ, Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Арнасой туман кенгаши раиси

ТАБИАТ НЕЪМАТИ

Қулупнай

Қулупнай инсон организми учун жуда фойдалидир. У биринчи бўлиб неолит даврида Нидерландияда пайдо бўлган. Кейинчалик Европа орқали Америка ва Чилига олиб келинган. Ўзбекистонда экиладиган қулупнайнинг бўйи ўртача 10-15 см.га-ча ўсади. Барглари юраксимон, гуллари қалқонсимон бўлади. Бу мева асосан май ойида пишиб етилади. Қулупнай 30 килокалорияли, 0,6 фоиз оқсилга эга бўлган ўсимлик ҳисобланади. Шунингдек, 7 фоизи углеводдан ташкил топган бу мева А, Б витаминларига бойлиги билан аҳамиятли. Истеъмол қилинганда организм витаминга тўйинади, қон таркиби янгиланади. Юртимизда бу меванинг «Эрта пишар», «Ўзбекистон», «Ўрта пишар», «Кулъвер», «Кечпишар», «Зенга-Зенгана» каби навлари етиштирилади. Қулупнай сувга талабчан ўсимлик ҳисобланади.

Мутахассисларнинг фикрига қараганда, қулупнайни мунтазам истеъмол қилган одамнинг юрак хасталиклари ва қандли диабетга чалиниши 23 фоизга қисқариши исботланган. Шунингдек, бу мева инсон организмининг ҳимоячиси бўлмиш оқсиллар фаоллигини оширади. Айни пайтда қулупнай аллергияси бор инсонларга тавсия қилинмайди. Уни меъёрдан ортиқ истеъмол қилиш гастрит, гастродуоденита, ўн икки бармоқли ичак ва ошқозон касалликларини келтириб чиқариши мумкин. Зеро, асалнинг ҳам ози ширин деб, бекорга айтилмаган.

Гулноза МИРЗАЕВА

● РЕКЛАМА

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясининг Бўстонлиқ туманида жойлашган

"Фазогир Гагарин" болалар соғломлаштириш оромгоҳи

• йўлланмалар харид қилиш учун талабномалар қабул қилинади.

• Соғломлаштириш мавсуми 15 кунлик 3 сменада ташкил этилади.

Мавсумнинг бошланиши - 24.06.2013 й.

Манзил: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41 уй
Тел: (8 371) 233-71-08, моб: +998 90 355-23-45

Хизматлар лицензияланган

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Muassis: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir o'rinbosari: Zayniddin Rixsiyev

Tahrir hay'ati: Muhammad Ali AHMEDOV, Oksana BELAUSOVA, Dovud MADIYEV, Baxtiyor MAHMADALIYEV, Sog'indiq NIYETULLAYEV, Eson RAJABOV, Jahongir SHAROFBOYEV (Mas'ul kotib).

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.
ISSN 2010-5002

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e'lonlar — 256-87-73.

Viloyatdagi muxbirlar:
Andijon + 998 91 141-27-70; Buxoro + 99893 653 50 81; Sirdaryo + 998 90 999 58 30; Jizzax + 998 94 418-67-49; Navoiy + 998 94 226-28-84; Namangan + 998 90 260-50-77; Samarqand + 998 93 352-50-87; Qashqadaryo +998 91 467-30-01; Surxondaryo + 998 95 502-16-68; Farg'ona + 998 90 583-49-79; Qoraqalpog'iston Respublikasi + 998 94 596-02-00; Xorazm + 998 90 719-48-00.

Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy

Nashr ko'rsatkichi: 133

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

Navbatchi muharrir: B.Rizayev
Navbatchi: U.Ibodinov
Musahhih: S.Shodiyeva

Bosishga topshirish vaqti - 21.00
Topshirildi - 22.00

E-mail:ishonch2012@gmail.com

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin. Buyurtma Г — 511 | 19759 nusxada bosildi | 1 345